“ТАСДИҚЛАЙМАН”
"Фарғона ХЭТК" АЖ
(буюртмчи ташкилот раҳбарининг
______________________________
лавозими, фамилияси И.О. ва имзоси)
20___ й. "____" __________

# Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихасини бажариш учун ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Объект:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25-октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-408 сонли қарорида Фарғона вилояти Фарғона тумани Қўриқ МФЙлар худудига электр тармоғини ҳамда ТПни реконструкция қилиш

**Буюртмачи: “**Фарғона ХЭТК” АЖ.

**Иш хажми:** Қўриқ МФЙдаги 144-сонли қуввати 100 кВ ТП юкини енгилаштириш ТПсини ўз тармоғига улаш ва реконструкция қилиш.

**Ишларни бажарилиш муддати**: 20 иш куни.

Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихасини бажариши учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25-октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-408 сонли қарори. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг 2022 йил 3 ноябр кунги VI-51-157-11-0-К/22-сонли қарори.“Фарғона худудий электр тармоқлари” АЖнинг техник шарти.

**Талаблар:**

**1.АТТА лойихасинида**

1.1. Худуддан фойдаланиш турлари кўрсатилган ҳолда қурилиш объектининг жойлаштириш режаси
1.2. Табиий-иқлимий шароитлар.
1.3. Муҳандислик-геологик шароитлар.
1.4. Мухандислик-тармоқлари тўғрисида маълумот.
1.5. Экологик шароитлар.

**2. Объект бўйича Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза (АТТА) лойихаси ишлаб чиқилади.**

**2.1.**.АТТА лойихасида кўзланган мақсад ер ости ва ер усти сувлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, ишлаб чиқариш технологиясининг тавсифи, кўзланаётган фаолиятнинг мақсад ва характери, объектнинг сувдан фойдаланиш манбалари, оқава сувларни ташлаш (канализация) ёки тўплаш, объектнинг атмосферага таъсири, ҳосил бўладиган чиқиндиларни жойлаштириш, чиқиндиларнинг хосил бўлиши, ишлаб чиқаришнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига таъсири, табиатни мухофаза қилишда кўзда тутилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

**3. Хисоботлар**

**3.1**. Бажарилган ишлар бўйича барча хисоботлар (АТТА лойихаси) электрон ва қоғоз шаклда тақдим этилади.

"Фарғона ХЭТК" АЖ
ЛСХТБ бошлиғи И.Солиев